

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт
ишлари вазирлиги
Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат
маданият институти

Рамз БОБОЖОН
(Биобиблиография)

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент – 2010

ББК 91.9:83 (5Ў)

Б 22

Рамз Бобожон: Биобиблиография /А.Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият ин-ти; Тузувчилар З.Бердиева, Г.Норқулова, Султонов З. ; Муҳаррир К.Бобожонова. — Т.: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010. — 276 б.

Тузувчилар: Бердиева З. Ш.

Норқулова Г. Б., Султонов З.

Муҳаррир:

Бобожонова К.Р.—филология фанлари номзоди,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий
университетининг доценти.

Тақризчилар:

Худойбердиев Э.С. — филология фанлари доктори, А.Қодирий номли ТДМИ профессори.

Иноятов М.Ж. — педагогика фанлари номзоди, А.Қодирий номли ТДМИ доценти.

XX аср ўзбек адабиётининг кўзга кўринган вакилларида бири, халқ шоири, публицист, драматург, жамоат арбоби Рамз Бобожон биобиблиографиясининг (шахс библиография) тузилиши ҳозирги кун адабий библиографиясининг яна бир ютуғи. Кўрсаткичдаги материаллар хронологик ва ички алифбо тартибида жойлаштирилган. Бу шоир ижодининг ва унга муносабатнинг эволюциясини билишга ёрдам беради. Кўрсаткич кенг китобхоналар оmmasига, шоир ҳаёти ва ижоди юзасидан илмий иш олиб борувчи илмий ходимларга мўлжалланган.

ISBN 978-9943-06-278-8

© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти, 2010 й.

Тузувчидан

Ўзбекистон халқ шоири Рамз Бобожон ўз асарлари билан фақат Ўзбекистонда эмас, балки ҳорижда ҳам таниқлидир. Лекин ҳозирги кунга қадар шоир асарларини китобхонлар орасида тарғиб қилувчи алоҳида қўлланма тузилмаган. Қўлингиздаги биобиблиографияни тузишдан мақсад — шоир асарларининг нашрларини ва унинг ҳаёти ҳамда ижоди ҳақидаги материалларни тилидан, нашр жойидан, типидан ва туридан қатъий назар, бир жойга тўплашдир. Биобиблиографияни тузиш жараёнида Рамз Бобожон қаламига мансуб ва унинг ҳаёти ҳамда фаолиятига боғлиқ барча материалларни жамлашда мавжуд адабий библиографик кўрсаткичлардан, Давлат библиографик қўлланмаларидан, Китоб палатаси, А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фондидан, каталог ва картотекалар тизимидан ҳамда ёзувчининг шахсий архивидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилдик. Кўрсаткичга киритилган адабиётлар қуйидаги тартибда жойлаштирилди:

1.Бўлим: Рамз Бобожон асарларининг нашрлари

1.1. Алоҳида асарлари ўзбек тилида, рус тилида, бошқа тилларда. Бу бўлимдаги адабиётлар ҳақидаги маълумотлар тўғри хронологик тартибда, ичида эса алифбо тартибида жойлаштирилди. Бошқа тиллардаги асарлари эса тилларнинг алифбоси тартибида, ички хронологик ва яна унинг ичида алифбо тартибида берилди. Бу эса китобхонга зарур адабиётлар ҳақидаги маълумотларни тез ва осон топишига ёрдамлашади. Ҳар бир асар мазмуни «мундарижада» деган сўз кетидан очилади.

1.2. Вақтли матбуот ва тўпламлардаги нашрлари. Шеърый асарлари (ўзбек, рус ва бошқа тилларда), драматургияси (ўзбек, рус ва бошқа тилларда), адабий-танқидий мақолалари (ўзбек, рус ва бошқа тилларда). Бу бўлимдаги маълумотлар ҳам жанрлар бўйича аввал ўзбек тилида, кейин рус ва бошқа тилларда нашр этилганига кўра ички хронологик, унинг ичида алифбо тартибида бериб борилди. Агар бир неча шеъ-

рий ёки бошқа асарлари бир манбада нашр этилган бўлса, асар номидан сўнг мундарижаси баён этилади.

1.3. Рамз Бобожон билан суҳбатлар. Бу бўлимда ҳам хронологик тартиб қўлланилди.

1.4. Таржималари. Рамз Бобожон таржима қилган асарлар номи алифбо тартибда, ичида эса хронологик тартибда жойлаштирилди. Бу Рамз Бобожоннинг таржимонлик фаолияти эволюциясини яққол кўришга ёрдам беради.

1.5. Редакторлик қилган, тўплаган, кириш сўзи ёзган асарлари. Бу бўлимда ҳам аввал хронологик, кейин ички алифбо тартиби қўлланилди.

2 Бўлим: Рамз Бобожон ҳаёти ва ижоди ҳақидаги адабиётлар

2.1. Алоҳида асарлар

2.2. Вақтли матбуот ва тўпламлардаги асарлар. Рамз Бобожон ҳаёти ва ижодий фаолиятига оид адабиётлар ушбу бўлимда тўғри хронологик, бўлимлар ичида ички алифбо тартибда жойлаштирилди.

2.3. Шоир ижодининг тақдирланиши. Бу бўлимдаги маълумотларни жойлаштиришда ҳам хронологик тартиб қўлланилди. Биобиблиографиялар тузиш тарихида биринчи марта муаллиф архивидан олинган **дастхатлар ва мактублардан** намуналар илова этилди. Замонасининг машҳур кишилари томонидан дастхат битиб берилган турли тилдаги, хилдаги матбуот асарлари олтиндан қимматли совға сифатида эъзозланади. Булар шу дастхат эгасининг муаллифга ҳурмати, эъзозини, эътирофини билдиради. Зеро, инсон ўзи ҳурмат қилмаган, эъзозламаган кишисига дастхатини раво кўрмайди. Дастхатлар бир хотира сифатида ҳам қадрланади, буюк кишиларнинг эътиромини, ҳурмат-эътиборини эслатиб туради. Мактублар ҳам ўзига хос қадр-қимматга эга қадрият. Мактублар у битилган давр ёди, шукуҳи, мактуб эгасининг кимлигини, ҳурмат-эътиромини англайтиб туради. Шоир архивдаги ҳамма дастхатлар битилган асарларни ёки мактубларни библиографияда акс эттиришнинг имкони йўқ, албатта. Аммо, айримларидан намуналарни келтириб ўтдик, холос. Кўрсаткичдан фойдаланишни осонлаштириш мақсадида исмлар ва муаллиф асарларининг сарлавҳалари кўрсаткичи илова

қилинди. Тузувчилар биобиблиографиянинг имкон қадар тўла ва самарали бўлишига ҳаракат қилган бўлсалар-да, унинг мукамаллигига даъво қилмайдилар.

Кўрсаткичга муаллиф асарларининг ва унга оид фикрларнинг баъзи бирлари кирмай қолган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Айниқса, хорижий мамлакатларда нашр қилинган асарларнинг ҳаммаси ҳақида ҳам маълумот олиш имкони бўлмади.

Биз кўрсаткични тайёрлаш жараёнида жуда катта ва яқиндан ёрдам қилгани учун уларнинг қизи, филология фанлари номзоди, Мирзо Улуғбек номидаги Миллий университет доценти Камола Бобожоновага ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз. Шунингдек, Миллий Китоб палатаси ва Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ходимларига ҳам ташаккуримизни изҳор қиламыз. Биобиблиографияни тузиш жараёнида марҳум шоирнинг ўзлари умрининг сўнгги кунларига қадар ёрдам кўрсатиб, ҳар бир маълумотнинг тўғри ва аниқ бўлишига қаттиқ талабчанлик билан эътибор бердилар. Минг афсуски, ҳаётлик пайтларида кўрсаткични чиқаришга улгура олмадик.

От редактора

Рамз Бабаджан (2 декабря 1921 года — 28 декабря 2008 года) — известный узбекский писатель, поэт, прозаик, драматург, переводчик, общественный деятель. Он является автором более 50 поэтических сборников, более 10 поэм, более 100 рубаи, а также 4 пьес, романа, документально-мемуарной книги, целого ряда статей, связанных с узбекской и мировой литературой. Произведения Рамза Бабаджана переведены на многие языки мира, в том числе на русский, английский, болгарский, японский, итальянский, испанский, польский, грузинский, армянский, азербайджанский, таджикский, литовский, латышский и др.

Народный поэт Узбекистана, Заслуженный деятель искусств республики, Лауреат Международного Конгресса поэтов мира, Лауреат Государственной премии СССР Рамз Бабаджан является автором таких известных сборников, как «Севги сирлари», «Сенга, севгилим», «Янги рубойлар», «Сенинг меҳрингдан», «Избранное: Стихотворения и поэмы», «Избранные произведения» (в 2 томах), «Муҳаббатга таъзим», «Грани», «Сурайё юлдуздан шуълалар» и др. Большим успехом у зрителей пользовались его драматические произведения «Тоға-жиянлар», «Цыгана не обманешь» («Зухранинг мактублари»), «Юсуф ва Зулайҳо».

Новаторством отличаются поэма «Живая вода» («Оби ҳаёт»), удостоенная в 1972 году Государственной премии СССР, а также поэмы, составляющие своеобразный триптих: «Тысяча и один журавль», «Мать-Индия», «Хайёмнома», оригинальные поэмы «Разговор с дедом», «Монолог» и «Диалог». Вызвали большой интерес крупные произведения, вышедшие из-под пера писателя в последние годы: это доработанный и окончательный вариант драмы «Юсуф ва Зулайҳо» (2000), мемуарно-документальная книга «Менинг ижодим — менинг ҳаётим: Кексалик китоби» (2004), роман «Муҳаббат мезони» (2005), переводы пьес Г.Ибсена «Привидения» (Арвоҳлар») (2006) и В. Шекспира «Макбет» (2008)

небольшая книжечка стихов для детей «Madinaning kulgusi» (2001), а также целый ряд стихотворных циклов, публицистических статей и литературных портретов, опубликованных в республиканской печати (2000 — 2008гг).

Рамз Бабаджан перевел на узбекский язык произведения А. Пушкина, «Памятник» (Ҳайкал), «Сказку о золотом петушке» («Олтин хўроз ҳақида эртак») и др., М. Лермонтова, («Русалка», «Черные глаза (Қора кўзлар)» и др.) Н. Некрасова, «Арина, мать солдатская» (Солдат онаси, Орина), «Железная дорога» (Темир йўл) и др, поэмы А. Твардовского «Василий Теркин» и «Василий Теркин на том свете», трагедию В.Шекспира «Макбет», драму Г.Ибсена «Привидения» (Арвоҳлар), а также стихи В. Маяковского, Н. Грибачева, М. Алигер, С. Михалкова, Г. Табидзе, И. Чавчавадзе, Сулаймона Рустама, Наби Хазрий, М.Миршакара, О.Туманяна, Хосе Рисаля.

Рамз Бабаджан — автор лирико-философской поэзии, своеобразной драматургии, яркой публицистики, поэтической прозы. Многогранное творчество писателя занимает большое место в узбекской литературе XX и начала XXI вв.

Биобиблиографический указатель, предоставленный читателям это итог большой работы по систематизации творчества Рамза Бабаджана, и важный вклад в библиографию узбекской литературы. Следует отметить, что первые шаги в составлении библиографии по творчеству Рамза Бабаджана были сделаны в студенческих дипломных работах Махмудовой Э. (1987) (научный руководитель проф. Э.С.Худойбердиев) и Г. Норкуловой (2008) (научный руководитель ст.пр. З.Ш Бердиева), выполненных в Государственном институте культуры им. А. Кадыри.

В начале 2008 года по инициативе ректора Государственного института культуры им.А.Кадыри профессора А.О.Тураева началась работа над биобиблиографическим указателем по творчеству Рамза Бабаджана, которая была поручена опытному ташкентскому библиографу, автору библиографических указателей по творчеству Айбека, А.Каххара, А.Навои и др., старшему преподавателю З.Ш Бердиевой, кото-

рая на основании изучения фондов ташкентских библиотек и архива Рамза Бабаджана собрала полноценный и обширный материал, охватывающий и отражающий многолетний творческий путь старейшего узбекского писателя.

Необходимо подчеркнуть, что авторский коллектив, работавший над созданием данного библиографического указателя, внес новшество в традиционное содержание такого рода пособий. Речь идет о приложении, включенном в указатель и состоящим из архивных материалов: это автографы писателей, взятые из книг, подаренных авторами Рамзу Бабаджану, а также отдельные примеры из переписки Р.Бабаджана с семьей и друзьями, коллегами по перу. Завершает эту часть библиографического указателя последняя статья — воспоминание Р.Бабаджана «Йўқ, сен ўлган эмассан» о М. Шейхзаде, подготовленная к столетнему юбилею писателя, который отмечался в ноябре 2008 года.

Литературоведы чаще всего работают с изданными материалами. Но не всегда все, что требуется для решения научной проблемы можно найти в собрании сочинений писателя или в отдельных изданиях. Есть темы, проблемы, которые требуют обращения к архиву. Подлинное научное филологическое исследование художественного творчества часто возможно провести только с привлечением архивных материалов из литературного наследия писателя.

К сожалению, не каждый писатель сохраняет свой архив и тем более предоставляет его для научного изучения. Лев Толстой, например, каждое свое слово считал достоянием и старательно сохранял все свои бумаги, а И. Крылов, наоборот, прикуривал трубку, поджигая свои рукописи. М.Цветаева оставила завещание, по которому ее архив оставался недоступным для исследователей в течение нескольких десятилетий после ее смерти.

Между тем, в архиве писателя сохраняются такие важные материалы, как черновые рукописи, дневники, письма, автографы, официальные документы, мемуарные записи и т.д., необходимые для изучения творчества писателя, а также в целом, литературной эпохи.

Арабская пословица гласит: «Чернила мудрецов также ценны, как и достижения их учеников». Благодаря изучению архивных материалов можно значительно обогатить литературный портрет писателя, прояснить многие филологические проблемы, например, так называемые «загадки» личности или «белые пятна» в творчестве.

Поэтому в процессе подготовки данного биобиблиографического указателя мы посчитали необходимым опубликовать некоторые интересные материалы из архива писателя в виде приложения к основному традиционному содержанию такого рода пособий и тем самым вызвать интерес к архивным изысканиям у молодых исследователей.

Архив Рамза Бабаджана представляет ценность в том плане, что здесь сохранились многие рукописи произведений, их варианты и канонические тексты, по ним можно восстановить процесс работы над тем или иным произведением. Материалы, сохранившиеся в архиве Рамза Бабаджана, позволяют представить основные параметры его творчества, его деловые и дружеские контакты с писателями и деятелями культуры многих стран мира, раскрывают новые грани его личности и таланта.

Так, например, при просмотре и отборе документальных фактов для указателя, в архиве писателя мы обнаружили письмо Заслуженного деятеля науки Узбекистана, член — корреспондента Российской академии медицинских наук, доктора медицинских наук, профессора Исламбекова Р.К. от 10 декабря 2001 года, в котором он пишет, что с большим вниманием прочитал два раза поэму «Юсуф и Зулейха», называет её «превосходным произведением», а Рамза Бабаджана — «патриархом узбекской поэзии и драматургии». К письму прилагается небольшая рецензия, в которой Исламбеков Р.К., отмечая место известного сюжета в мировой литературе, подчеркивает: «Эта бессмертная легенда в новой версии Рамза Бабаджана изложена прекрасным литературным языком, без религиозной окраски, и несомненно, будет весомым вкладом в копилку сокровищницы восточной поэзии.»

Р. Бабаджан на наш вопрос, почему эта рецензия не была опубликована? — ответил так: «Академик Р.К. Исламбеков — человек необычайно интересный и многогранный. Это медик, завоевавший всемирную известность и признание. И в то же время это человек очень близкий к миру литературы, он сам — автор нескольких поэтических сборников, романа и ряда статей. Получить от него такую высокую похвалу и оценку своего творчества было очень приятно. Я не передал рецензию в редакцию какой-либо газеты или журнала прежде всего из-за этических соображений: нельзя просить напечатать рецензию, в которой тебя хвалят. Это не соответствует моим принципам».

Важно отметить, что биобиблиографический указатель подготовлен был при жизни Рамза Бабаджана, он не только принимал участие в этом процессе, помогал библиографам в сборе материала, уточнял многие хронографические факты своего жизненного и творческого пути и т.д., но и испытывал огромное чувство благодарности ко всем, кто был причастен к работе над биобиблиографическим указателем, и в первую очередь, ректору Ташкентского Государственного Института культуры им. А.Кадыри, профессору, А.О. Тураеву, автору вступительной статьи, профессору, доктору филологических наук Х.Ш. Абдусаматову, библиографу З.Ш. Бердиевой, рецензентам-профессору, доктору филологических наук Худойбердиеву Э.С. и доценту, кандидату педагогических наук Иноятову М.Ж., а также будущим издателям.

По сути данный биобиблиографический указатель подвел итог творческому пути известного узбекского писателя и скромного человека, пути, который продолжался более восьмидесяти лет и в котором отразились все важнейшие этапы истории узбекской литературы XX века. Окончательный вариант указателя стал, к сожалению, одновременно последней рукописью, в которой сделаны пометы и правки рукой Рамза Бабаджана.

«Дважды живет поэт» — так назвал Р.Бабаджан один из своих ранних лирических сборников. Эту же мысль поэт вы-

разил в лаконичных стихотворных строчках, которые звучат теперь как реквием:

*Мен кетаман, шеърим қолади,
Юртга бўлган меърим қолади...*

*Мен кетаман, қолади дунё,
Фисқу фужур, адоват, риё...*

*Мен кетаман, қолади фарёд,
Фарёд ичра ижодий ҳаёт...*

*Мен кетаман, тугамай сўзим,
Келажакка тилайман тўзим.*

*Камола Бабаджанова, кандидат
филологических наук, доцент кафедры
русского литературоведения
НУУз им. Мирзо Улугбека*

ШОИР ҲАЁТИ ВА ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ САНАЛАРИ

1921 йил, 2 декабрь — Рамз Бобожон Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида таваллуд топди.

Отаси — Насриддин Очил ўғли Бобожонов (1893 — 1970 йиллар).

Онаси — Саломат Карим қизи Бобожонова (1898 — 1982 йиллар).

1929 — 38 йиллар — Бошланғич таълимни атоқли маърифатпарвар Мунавварқори асос солган ва Эшонхўжа Хо — ний давом эттирган «Ҳаёт» мактабида, ўрта маълумотни Тошкент таълим ва тарбия билим юртида олди.

1935 йил — «Ленин учқуни» газетасида илк маротаба «Шодлигим» шеъри эълон қилинди.

1939 йил — Низомий номидаги Давлат Педагогика институтида талаба.

1939 — 40 йиллар — Лотин графикасида биринчи китоблари — «Шеърлар» ва «Ҳадя» нашрдан чиқди.

1939 — 41 йиллар — Республика «Болалар ва ёшлар» нашриётида муҳаррир

1941 йил, июль — Бутуниттифоқ Куролли Кучлари сафига чақирилди ва Олмаота пиёда аскарлари билим юртида хизмат қилди.

1941 йил, ноябрь — Бутуниттифоқ Куролли Кучлари Олий Бош қўмондонининг буйруғи билан Армия сафидан бўшатилди ва ўқишини давом эттирди.

1941 — 43 йиллар — Тошкентдаги 42, 145-сонли ўрта мактабларда, шунингдек, Тамарахоним номидаги балет мактабида ўзбек адабиётидан ўқитувчилик қилди.

1943 йил — Низомий номидаги Давлат Педагогика институти тугатди.

1942 — 43 йиллар — Ўзбекистон Давлат радиокомитетида муҳаррирлик қилди.

1943 — 44 йиллар — Ўзбекистон Олий Совети Президуми матбуот котиби (пресс — секретарь).

1943 йил — «Улуғ Ватан уруши «1941 — 45 йиллар шавкатли меҳнати учун» медали билан тақдирланди.

1944 йил — Ўзбекистон ва СССР ёзувчилар Союзига аъзо бўлди;

1944 — 45 йиллар — Ўрта Осиё Давлат Университетида СССР ФА нинг мухбир аъзоси, профессор В.М. Жирмунский раҳбарлигида аспирант; «Ўзбекистон Давлат Бадиий адабиёт» нашриётида муҳаррир.

1946 — 48 йиллар — Ўзбекистон Ёзувчилар Союзига адабий маслаҳатчи; «Ленин учқуни» газетаси муҳаррири.

1947 йил, 14 ноябрь — Сурайё Мансур қизи Ризаевага уйланди.

«Гилос» (1940) деган шеърига басталанган ашула биринчи марта никоҳ кечаси Наби Ҳасанов мусиқаси билан Карим Мўминов ижросида янгради.

1948 йил, 21 май — А.Навоийнинг 500 йиллик юбилейига бағишланган ижодий кечада Ойбек, С.Айний, Ф.Фулом, Зулфия, С.Щипачев, Б.Кербобоев, А.Лоҳутий, М.Турсунзода, С. Липкин, С.Муқонов, К.Симонов, Ҳ.Фулом, Гамзат Цадаса, Шайхзода, Т.Тўлалар билан бирга иштирок этади.

1949 — 1952 йиллар — ижодий иш.

1949 йил — «Менинг шаҳрим» шеъри (Б. Гиенко мусиқаси) билан «Ўзбекистон Республикасининг 25 йиллиги шарафига эълон қилинган оммавий қўшиқлар» танловида I-мукофотга сазовор бўлди.

1950 йил, 28 февр. — «Хурмат белгиси» ордени билан мукофотланди.

1953 — 1955 йиллар — Тошкент Педагогик институтида ўқитувчи.

1955 — 60 йиллар — «Қизил Ўзбекистон» газетаси редакциясида бўлим мудири;

1956 йил, октябрь — «Венгрия-Будапешт сайёҳлар» гуруҳига раҳбар.

1957 йил — Тошкент шаҳар депутатлар Советида депутат.

1958 йил — Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг 1 конференцияси иштирокчиси (Тошкент).

1959 йил, 18 март — 2-март «Хурмат белгиси» орденига сазовор бўлди.

1959 йил, апрель — СССР журналистлар Союзининг аъзоси.

1959 йил — «Тоға-жиянлар» комедияси (А.Турдиев — режиссёр, А. Ёқубхўжаев — режиссёр ассистенти, Ҳ. Икромов — мусаввир) Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат Академик драма театрида қўйилди.

1960 йил — Сталинобод (Душанбе)да «Тоға-жиянлар» комедияси С.Фани таржимаси билан А.Лохутий номли Тоғжик Академик драма театрида (Ҳ. Раҳматуллаев — режиссёр, М. Мухин — мусаввир, Ҳ.Солиев мусиқаси) қўйилди.

1960 — 63 йиллар — «Ўзбекистон Ёзувчилар Союзи котиби;

1960 йил — А.Твардовскийнинг «Василий Теркин» поэмаси ўзбек тилида Рамз Бобожон таржимасида эълон қилинди. (Шарқ юлдузи. — №8)

1961 йил, 15 — 27 сент. — Франция (Париж). «Иттифоқ маданияти кунлари» делегация аъзолари — ёзувчилар Афанасий Салинский, Николай Чуковский, Эдуардас Межелайтис, Исидор Шток, Константин Ваншенкин, Рамз Бобожон ва уларнинг умр йулдошлари йўл-йўлакай «Эстония» теплоходида Польша, Швеция, Дания, Англияда бўлдилар.

1962 йил, 30 — 31 дек. — «Цыгана не обманешь» лирик комедияси Москвада, «Ромэн» лўлилар Марказий театрида С.Баркан режиссёрлигида, С.Бугачевский мусиқаси билан М.Мотин мусаввирлигида биринчи марта сахнага қўйилди;

1963 йил — «Зухранинг мактублари» («Лўлини алдаш қи — йин») асари С.Юдаков мусиқаси билан Муқимий номли мусиқали драма театрида қўйилди.

1963 — 67 йиллар — Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида директор; А.Навойининг 15 жилдлик асарлари тўплами реколлегиясининг аъзоси.

1964 йил 16 — 30 март — Делегация аъзолари — М.Алексеев, К.Чугунов билан бирга Ҳиндистонда (Дехли, Банорас, Джайпур, Калькутта ва бошқа шаҳарларда) бўлди;

1964 йил — А.Навоий номли опера ва балет театрида М.Лермонтов юбилейига бағишланган тантанали кечада маъруза қилди;

1965 йил — Москвада М.Шолоховнинг 60 йиллик маросимида К.Яшин билан бирга қатнашди ва Ўзбекистон Ёзувчилар Союзи жамоаси номидан табриклади.

1965 йил, 16, 20, 30 июнь — «Цыгана не обманешь» — Я. М. Свердлов номли концерт зали биносида «Ромэн» номли Москва лўлилар театрининг Тошкентдаги гастроли давомида қўйилди.

1966 йил, 10 февраль — Марокко (Рабат, Касабланка, Марокаш ва бошқа шаҳарлар) сафарида. Иттифоқ Ёзувчилар Союзи делегацияси раҳбари.

1966 йил, 30 октябрь — Ўзбекистон Ёзувчиларининг 3 — Пленумида нутқ сўзлайди.

1966 йил, 17 декабрь — Ригада (Латвия) атоқли адиб Вилис Лацис ҳайкали очилиш маросимида нутқ сўзлади.

1966 йил — «Янги рубоийлар» китоби Фафур Фулом сўз бошиси билан нашр қилинди.

1966 йил — А.Твардовскийнинг «Тёркин нариги дунёда» поэмаси ўзбек тилида Р.Бобожон таржимасида эълон қилинди. (Шарқ юлдузи, № 3)

1967 — 69 йиллар — ижодий мавсумь;

1968 йил — Тошкентда А.Навоий номли Опера ва балет театрида М. Шайхзоданинг 60 йиллик юбилейида маъруза қилди.

1969 йил — «Оби ҳаёт» достони матбуотда эълон қилинди. (Шарқ юлдузи. — № 7).

1969 йил — «Оби ҳаёт» достони рус тилида, шоир Н.Грибачев таржимасида эълон қилинди. («Огонек» № 50).

1969 — 82 йиллар — Ўзбекистон Ёзувчилари Союзи раисининг биринчи ўринбосари;

1969 йил, 25 август — Жаҳон шоирлари Халқаро Конгресси делегацияси сафида Филиппинда (Манила) «Адабиёт ва тинчлик учун кураш муаммоси» мавзусида маъруза билан қатнашди, рус ёзувчиси А.Сафронов, грузин ёзувчиси Г.Абашидзе билан Токио орқали қайтишда Сингапур, Деҳлида бўлди.

1969 йил, 25 август — Жаҳон шоирлари Халқаро Конгресси лауреати.(Манила).

1970 йил 8 апрель — «Шавкатли меҳнати учун» медали берилди.

1970 йил — «Сенга севгилим» китоби Ўзбекистон ҳукумати эълон қилган «Энг яхши асарлар» танловида 1 — мукофотга сазовор бўлди.

1971 йил «Инсу жинс ёки тирик мурдалар» пьесаси эълон қилинди.(Шарқ юлдузи , № 11).

1971 йил, 2 декабрь — «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» унвони берилди.

1971 йил — 50 йиллига бағишланган ижодий кеча Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат Академик театрида ўтди.

1972 йил, 4 ноябрь — СССР Давлат мукофоти лауреати;

1973 йил, 30 январь — СССР Давлат мукофотининг лауреати шоир Р.Бобожон ижодий кечаси. («Билимлар уйи»).

1973 йил, 9 апрель — Р.Бобожон раислигида мушоира оқшоми: Эркин Воҳидов, Азиз Орипов, Ҳалима Худойбердиева, Юсуф Шомансур, Абдулла Абдураззоқ, Ҳусниддин Шарипов, Пирмат Шермухамедов, Сайёр иштирок этди.

1973 йил, 14 — 25 май — Собиқ «Иттифоқ маданияти кунлари» делегацияси сафида Германия Федератив Республикасида СССР Маданият вазири Е.Фурцова, космонавт В.Быковский, композитор М.Шостакович билан бирга бўлди.

1973 йил — Тбилисида грузин адиби Григол Абашидзе-нинг 60 йиллик юбилейида «Улкан фикрлар поэзияси» мавзусидаги сўзи.

1973 йил, октябрь — Грузияда бўлиб ўтган «Адабиёт кунлари» иштирокчиси.Ўзбекистон делегацияси аъзолари: Р.Бобожон, Ҳ.Ғулум, Ў.Умарбеков.

1973 йил, сентябрь — Осий ва Африка мамлакатлари Ёзувчиларнинг 5 конференциясида иштирок қилди. (Олма-Ота)

1973 йил — «Ҳиндистон онаси» поэмаси эълон қилинди. (Ўзбекистон маданияти, 28 сентябрь)

1973 — 1975 йиллар — Танланма: 3 томлик»(Сўз боши : Ҳамид Ғулум) нашр этилди.

1974 йил — «Баҳс» поэмаси эълон қилинди (Шарқ юлдузи, №1)

1974 йил — Ўзбекистон Ёзувчилар Союзида «Баҳс» поэмаси муҳокама қилинди. Иштирокчилар: К.Яшин, Ҳ.Фулум, Мирмухсин, И.Раҳим, Ҳ.Абдусаматов ва б.).

1974 йил — Москвадаги Колонналар залида Фафур Фуломнинг 70 йиллик юбилейида «Асримиз мазмунидаги аллома» мавзусида маъруза билан қатнашди;

1974 йил — Ашхободда машҳур туркман адиби Б.Кербобоевнинг 80 йиллик юбилейида табрик нутқи, Ш.Рашидов номидан совға топширди.

1976 йил, 3 май — «Улуғ Ватан уруши ғалабасининг 30 йиллиги» медали билан тақдирланди.

1976 йил, июль — Болгарияга (София) атоқли шоир ва таржимон Йордан Милевнинг таклифига кўра, умр йўлдоши Сурайё билан сафар қилади.

1976 йил — Нашр масаласи билан Чехословакия (Прага) ва Германияда (Берлин) ижодий учрашувлар.

1976 йил — И. Раҳимнинг 60 йиллигида қатнашди ва табриклади.

1976 йил — Саида Зуннунова таваллудига бағишланган кечада қатнашди.

1977 йил, 25 август — Югославия ФР (Македония)да «Струга шеърияти оқшомлари» да делегация раҳбари сифатида иштирок этди.

1977 йил, 22 октябрь — Япония (Токио, Киото, Нара, Хиросима) Собиқ Иттифоқ ёзувчилари делегациясида Римма Казакова ва таржимон Елена Редина билан бирга қатнашди.

1977 йил — Москва Катта концерт зали минбарида Егише Чаренц юбилей оқшомида иштирок этди ва сўзлади.

1977 йил — Нукусда буюк қорақалпоқ шоири Бердахнинг 150 йиллик юбилейи тантанасида «Саҳро булбули» мавзусидаги нутқи.

1978 йил — «Шарқ юлдузи» ашула(Р.Бобожон шеъри, Л. Ошанин таржимаси, Д.Тухманов мусиқаси) Иттифоқ телевидение ва радиоэшиттириши «78 йил кўшиқлари» фестивалининг лауреати бўлди.

1978 йил «Хайёмнома» поэмаси биринчи марта эълон қилинди. (Ўзбекистон маданияти, 25 июль; Шарқ юлдузи, № 9).

1978 йил, 12 сентябрь — Москвада СССР ёзувчилар союзи секретариатида «Хайёмнома» асарининг муҳокамасида А. Наумов, И. Гринберг, Г. Гулиа, Б. Озеров, Ю. Суровцев, Н. Федоренко, Г. Марков, С. Северцев ва К. Яшин фикрлари билан қатнашдилар.

1978 йил, февраль — Болгарияга ёзувчилар делегацияси сафида борди;

1979 йил — Маврикий пойтахти Порт Луида «Адабиёт ва ижтимоий тараққиёт» мавзусидаги Халқаро симпозиумда Р. Рождественский билан бирга бўлди ва нутқ сўзлади.

1979 йил — Венгрияда ижодий сафарда бўлди.

1980 йил, 23 — 27 сент. — Болгария (София)да Россиядан Николай Федоренко, Қозоғистондан А. Олимжонов билан бирга. «Жаҳон халқларининг умиди — тинчлик» мавзусида маъруза билан иштирок этди.

1980 йил — Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Саид Аҳмадни 60 йиллиги билан табриклади.

1981 йил, 14 дек. — 60 йиллигига бағишланган ижодий кеча Хамза номидаги Ўзбек Давлат Академик драма театрида ўтди.

1981 йил — Мирмуҳсиннинг 60 йиллиги юбилейида табрик сўзи.

1981 йил — 2 томлик «Танланган асарлар» и рус тилида «Художественная литература» нашриётида нашр этилди.

1981 йил — «Юсуф ва Зулайҳо» ёки оға-инилар адовати» драматик поэмаси биринчи марта нашр этилди (Шарқ юлдузи, №10).

1981 йил — «Минг бир турна» поэмаси биринчи марта нашр этилди (Тошкент оқшоми, 19 октябрь; Шарқ юлдузи, № 10).

1981 йил, октябрь — Боку. Низомий Ганжавий юбилей кечасида маъруза билан иштирок этди.

1981 йил 1 декабрь — «Меҳнат Қизил Байроқ» ордени берилди.

1981 йил 2 декабрь — «Ўзбекистон Халқ шоири» унвони, «Халқ маорифи аълочиси» медали билан тақдирланди.

1981 йил, 2 декабрь Р.Бобожон уйида ёзувчилар делегациясини қабул қилади. Делегация аъзолари: Файз Аҳмад Файз, Алекс Ла Гума, Мину Бсису, Субҳас Мукерджи, Сембен Усман, Анатолий Сафронов ва б.

1981 — 1984 йиллар — Танлама: 3 жидлик. (Сўз боши: Комил Яшин) нашр этилди.

1982 йил — Тошкентда «Дружба народов» журнали редакциясидаги давра суҳбатида «Айни кунги ўзбек шеърияти ҳақида бир оғиз сўз» мавзусида мулоҳаза билан иштирок этди.

1982 йил, июль — Чехославакия ёзувчилар уюшмасининг раиси Ян Козак таклифига кўра Р.Бобожон умр йўлдоши билан сафарда Прагада бўлди.

1982 йил, сентябрь — Америка Қўшма штатлари (Нью-Йорк) ва Канада (Торонто, Монреал)да ватандошлар билан Ўзбекистон «Ватан» жамияти раиси лавозимида амалий ва ижодий учрашувлар ўтказди.

1982 — 1993 йиллар — Чет эллардаги Ватандошлар билан маданий алоқа боғлаш. «Ватан» жамияти раиси.

1983 йил — Раҳмат Файзийнинг 70 йиллик кечасида сўзлади.

1984 йил, май — Америка Қўшма штатларидаги прогрессив ватандошлар жамиятининг таклифига кўра Р.Бобожон умр йўлдоши Сурайё билан Нью-Йорк, Филадельфия, Бостон штатларидаги оилавий учрашувларда бўлди.

1984 йил — Германия Федератив Республикасида «Ватан» жамиятидан ижодий сафарда бўлди.

1985 йил — Иорданияда ватандошлар билан «Ватан» жамияти раиси лавозимида дўстона учрашувлар.

1985 йил — Италия (Рим) да ижодий дастур билан.

1986 йил — Боку. Озарбойжон миллий маданияти вакили, атоқли шоир Самад Вургун хотира кечасида иштирок этди ва шарафлади.

1986, 25 июль — Покистон ёзувчиси Файз Аҳмад Файзининг қизи — Муниза Хашми умр йўлдоши билан Р.Бобожон оиласининг меҳмони.

1986 йил, 4 окт. — «Пномпень хотин қизлари» журнали редактори Кинг Серей Фал бошчилигидаги делегация, «Осиё мамлакатларининг хотин-қизлар уюшмалари» ре-

гионал семинарининг иштирокчилари, Р.Бобожон оиласининг меҳмони.

1987 йил — Украин адабиёти ва санъати ўн кунлигида А.Навоий ҳайкали пойидаги сўзи.

1987 йил 4 декабрь — Душанбе шаҳрида атоқли форс-тожик шоири Абулқосим Лоҳутий таваллудининг 100 йиллиги тантанасида табрик сўзи.

1991 йил 15 апрель — Жаҳон мусулмонлари Бош Котиби доктор Абдулла бин Умар Насиф таклифи билан Маккаи Мукаррама, Мадина, Тоиф, Жидда шаҳарларида бўлди.

1990 йил, 23 июнь — «Юсуф ва Зулайҳо» мусиқали драма премьераси Муқимий номли Миллий театрида Рустам Бобохонов режиссёрлиги, Фарҳод Олимов мусиқаси билан қўйилди.

1990 — 2007 йиллар — «Кто есть кто»(Лондон) китобида Р.Бобожон ҳаёти ва ижоди тўғрисида мақолалар чиқди.

1991 йил, 23 дек. — 70 йиллигига бағишланган ижодий кеча Ҳамза номли Ўзбек Давлат Академик драма театрида бўлиб ўтди.

1993 йил — Туроб Тўланинг 75 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанада «Сўзи тирикнинг — ўзи тирик» мавзусидаги сўзи;

1994, 8 июнь — «Машраб нидоси» (Ўзбекистон телевидениясининг Рустам Маъдиев режиссёрлигидаги адабий театри).

1994 йил, 4 октябрь — «Шухрат» медали берилди.

1995, 21 ноябрь — Марказий Осиё халқларининг қурултойида иштирок этди.

1996 йил — Ўзбекистон Халқ ёзувчиси О.Ёқубовнинг 70 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанада табрик сўзи.

1997 йил — Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан тузилган Халқаро жамғарма йиғилишида табрик сўзи;

1999 йил, 12 март — Атоқли қирғиз ёзувчиси Ч. Айтматовнинг 70 ёши ва Ўзбекистон Республикасининг Олий мукофоти «Буюк хизматлари учун» ордени билан табриклади.

1999 йил, 25 август — Рамз Бобожон «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланди.

2000 йил — «Юсуф ва Зулайҳо» драмасининг янги, қайта ишланган варианты нашр этилди.

2000 йил — 5 қисмли «Муҳаббат нидоси («Юсуф ва Зулайҳо») телефильми Х.Қаҳрамонов режиссёрлигида экранга чиқди.

2000 йил, 15 апрель «Тоға-жиянлар» комедияси Аббор Ҳидоятлов номли Ўзбек Давлат драма театрида Баҳодир Йўлдошев томонидан саҳналаштирилди.

2001 йил — «Мадинанинг кулгуси» шеърый тўплами лотин графикасида нашр этилди.

2001 йил, 1 сентябрь — «Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги» медали билан мукофотланди;

2001 йил, 13 октябрь — Р.Бобожоннинг умр йўлдоши — Сурайё Бобожонова вафот этди.

2001 йил, декабрь — «Сурайё юлдузидан шуълалар» шеърый тўплами нашр этилди.

2002 йил, декабрь — «Ёшлар» телеканалда 3 серияли «Умр дафтари: Рамз Бобожон» телелойиҳа намойиш этилди.

2003, 21 август — «Конституция» маҳалласида Р.Бобожон кутубхонаси очилди.

2004 йил — «Менинг ижодим — менинг ҳаётим: кексалик китоби» нашр этилди.

2005 йил — Р.Бобожон таржималари ҳақидаги мақола «Александр Твардовский» энциклопедиясида чиқди.

2005 йил, май — «Ёшлар» канали ижодий гуруҳи тайёрлаган «Оила тилсими: Чин муҳаббат қиссаси» телепроектида иштирок этди.

2005 йил — «Муҳаббат мезони» романи нашр этилди.

2006 йил, январь — «Истиқбол» студиясининг «Ҳаёт давом этади» телепроектида иштирок этди.

2006 йил, октябрь — Х.Ибсеннинг «Арвоҳлар» («Привидения») драмаси Р.Бобожон таржимасида «Жаҳон адабиёти»-журналида нашр этилди.

2006, 7 декабрь — Р.Бобожон 85 ёшга тўлиши муносабати билан «Конституция» маҳалла фаоллари Кенгаши ижодий учрашув ўтказди.

1998 — 2008 йиллар — Матбуотда замондошлари —

Ғ.Ғулом, Ойбек, Зулфия, Шайхзода, И.Раҳим,Ғ.Ғулом, Мирмуҳсин, О.Шарафутдиновларни эслаб, адабий-танқидий мақолалар эълон этди.

2008 йил, октябрь — У.Шекспирнинг «Макбет» трагедияси Р.Бобожон таржимасида «Ғаҳон адабиёти» журналида босилди.

2008 йил 28 декабрь — Рамз Бобожон вафот этди.

Илова: Рамз Бобожон оиласи:

Сурайё Мансур қизи Бобожонова (1928 — 2001) — умр йўлдоши, Ўзбекистон Ғанлар Академияси Биохимия илмий — текшириш институтида катта илмий ходим;

Камола Бобожонова (1948) — қизи, филология фанлари номзоди, доцент;

Нозим Бобожонов(1951) — ўғли, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист;

Наргис Бобожонова(1956) — қизи, психология фанлари номзоди, доцент.

Тузувчи: Бобожонова Камола — филология фанлари номзоди, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг доценти

ЯНГИ АСРИМИЗ ТОНГИНИ ОЛҚИШЛАГАН ШОИР

*«Инсондай яшадим, иймонга содиқ,
Ойдинга интилдим, фақат ойдинга!»*

Рамз Бобожоннинг бутун ижоди ва ҳаётини кўздан кечирсак, унинг юқорида айтган гапининг нақадар тўғрилигига тўла ишонч ҳосил қиламиз.

Рамз Бобожон атоқли шоир, истеъдодли драматург, таланти таржимон, машҳур маданият арбоби бўлиб етишди.

Рамз Бобожон 1921 йилнинг 2 декабрида Тошкентда хизматчи оиласида таваллуд топди. У таълим ва тарбия техникумини битиргач, Низомий номидаги Давлат педагогика университетининг тил ва адабиёт факультетида ўқиди ва уни 1944 йилда тугатди.

Рамз Бобожон турли раҳбарлик лавозимларида хизмат қилди. У дастлаб ёшлар газетасида бош муҳаррир вазифасини ўтади, газетанинг савиясини кўтаришда, ёшларни матбуот атрофига тўплашда камарбаста бўлди.

Рамз Бобожон Ғ.Фуллом номидаги «Адабиёт ва санъат» нашриётида раҳбар сифатида адиб ва шоирлар, танқидчи ва адабиётшуносларнинг асарларини чоп этишда жонбозлик кўрсатди. Жумладан, ғоявий мураккаб шароитда миллий адабиётимиздаги бадиий бўшлиқни тўлдиришга яроқли «Тирик сатрлар» тўпламининг нашрига бевосита бош-қош бўлганлигини ва унинг азобини ноҳақ тортганлигини алоҳида қайд қилиб ўтиш лозим.

«Ватан» жамиятига ҳам Рамз Бобожон ярашиб тушди. Мақсад чет эллардаги ватандошлар билан беғараз муносабатларни мустаҳкамлаш эди. Шунингдек, Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари билан алоқа боғлаш Республика қўмитасининг раиси, Иттифоқ ёзувчилари уюшмасининг Правление аъзоси бўлиши дунёқарашини янада бойитди.

Рамз Бобожоннинг Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмасидаги фаолияти, айниқса, диққатга сазовор. Чунки, у ҳам ижодий, ҳам ташкилий ишда ўзини тўла кўрсата олди. Ўша йиллари уюшмада ижодий қозон қайнарди. Қалам аҳли ўз дардига дармон топарди. Шунини ҳам айтиб ўтиш керакки, ёзувчини уй-жой ёки дала-ҳовли билан таъминлаш каби қийин масалалар енгил ҳал бўларди. Айниқса, Дўрмондаги «Ижод уйи»ни айтмайсизми, ниҳоятда обод, бениҳоя сермазмун! Кези келганда, ўйласам, кўз одимга дарҳол Рамз Бобожон билан Комил Яшин келади. Бу икки азамат мураккаб ва офир замонда ижодий ташкилотни қарийб йигирма йил бошқарди, ундан уюшма тарихида ёрқин саҳифалар қолди. Айниқса, Рамз Бобожон қалбимда эъзоз ва иззат-ҳурмат туйғуларини уйғотадики, бу ҳиссиёт мени у билан абадий дўстликка чорлагани сир эмас.

Рамз Бобожон ўз ижодий фаолиятини жуда эрта бошлаган. У 15 ёшга тўлар-тўлмас, шеърлари матбуотга қадам ташлайди. Оқибатда унинг бадиий маҳсулоти тўплам ҳолида ўқувчиларга етиб боради. «Шеърлар»(1939), «Ҳадя»(1940), «Олтин камалак»(1949), «Водийни бўйлаб» (1949), «Танланган асарлар» (1958), «Севги сирлари» (1963), «Сенга, севгилим» (1969), «Биринчи парвоз» (1980), «Муҳаббатга таъзим» (1980), «Сенинг меҳрингдан» (1996), «Сурайё юлдуздан шуълалар» (2001) каби бир неча шеърлар тўплами, «Янги рубоийлар», «Сайланма»ларининг ўз вақтида нашр этилиши поэтик олами қанчалик кенг ва ранг-баранглигидан далолат беради.

Характерли томони шуки, Р.Бобожоннинг кўп асарлари бошқа тилларга таржима қилиниб, илиқ-иссиқ кутиб олинган. Рус тилида Тошкент ва Москвада чиққан «Сердца не спит никогда», «Дважды живёт поэт», «Солнце в зрачках», «Да, я — азиат», «Лирика», «Монолог» ва бошқалар. Айниқса, Москвадаги «Художественная литература» нашриётининг шоирнинг 2 жилдлик асарларини талабчан пойтахт ўқувчиларига тақдим этиши фавқулодда ижодий воқеа бўлди.

Рамз Бобожон поэмалар яратишда ҳам бўш келмади. Китобхонлар унинг кетма-кет нашр этилган поэмаларини завқ

-шавқ билан ўқиганликларининг ҳам шоҳиди бўлганмиз. Жумладан, унинг «Қадрдон дўстлар» достони, «Бобом билан суҳбат», «Баҳс» ҳамда «Ҳиндистон онаси», «Ҳайёмнома» ва «Минг бир турна» трилогияси, шунингдек «Юсуф ва Зулайҳо» достони мазмунининг кенглиги, қўйилган муаммонинг долзарблиги билан китобхон диққат-эътиборини ўзига тортди. Маълумки, унинг «Оби ҳаёт» поэмаси жамоатчилик оламида жиддий шов-шувга сабаб бўлди.

Шу муносабат билан машҳур «Оби ҳаёт»нинг ёзилиш тарихини қисқача эслаб ўтай: Икки дўст Москва атрофидаги «Переделкино» ижод уйида дам олардик. Рамз Бобожон кунларнинг бирида сув ҳақида катта поэтик асар ёзаётганини айтди. Мен эса унинг ижодий ниятига ишонмасдан, шубҳаланиб қараганимни яширолмадим. Бироз вақт ўтгандан кейин баъзи мисраларни ўқиганда менда шубҳалар чекина борди, бақувват асар туғилаётганига ишонч ҳосил қилдим. Кунлардан бир кун у машҳур тожик адиби Улуғзода билан иккимизга «Оби ҳаёт»ни тўла-тўқис ўқиб берди. Ажойиб бир поэма яратилганлигини мен ҳам, меҳмон ҳам тан олдик. Хўш, бу поэманинг бизни мафтун қилган жиҳатлари нимада? Авваламбор, шоир ўз асарида муҳим ҳаётий масалани кўтарган. Сув танқислигини тугатиш, ўлкани сувга сероб қилиш ҳамма давлатнинг ҳам, оддий кишиларнинг ҳам диққат марказида, деган ғоя асарнинг асосини ташкил этади. Муаллиф бу ғояни очиш учун янги усул ва воситалар қўллайдими, бу унинг новаторлигидан далолат бериб турарди. Танқидчилар баъзан поэмадан традицион сюжетни излаб овора бўладилар. Аммо, унутмаслик керакки, гап муаллиф қайси сюжетни қўллаши, қандай воқеа-ҳодисани акс эттиришида эмас, балки ўзининг ғоявий ниятини қанчалик чуқур, кенг бадиий очиб беришидадир.

Ҳа, Рамз Бобожон «Оби ҳаёт» поэмасида ўз ғоясини янгича, чиройли шакл ва тасвирий воситалар ёрдамида ифодалайди. Мен эса унинг туғилишида гўё «доя» бўлганимдан ҳамон ғурурланаман. «Оби ҳаёт»нинг 1972 йил СССР Давлат мукофоти билан тақдирланиши эса нафақат Рамз Бобожон ижодида, умуман миллий шеърятимизда катта воқеа бўлди. По-

эма ўзбек поэзияси баркамол йўлдан бораётганлигидан, устозлар анъанаси ишончли қўлда эканлигидан далолат беради. Худди шундай ҳам бўлиб чиқди. «Оби ҳаёт» фақат ўзбек миллий поэзиясининггина эмас, жаҳон поэтик оламининг бақувват асарларидан бири бўлиб танилди.

Шеърлар, қўшиқлар бадиий пухта, ҳис-туйғуга бой бўлса, халқнинг дилига йўл топиб бораверар экан. Р. Бобожоннинг «Мой город» (Б.Гиенко мусиқаси) ва «Песня о Ташкенте» (Д.Тухманов мусиқаси) асарлари эътиборли танловда энг яхши қўшиқлар сифатида қабул қилиниб, ўз вақтида юксак мукофот билан тақдирланди.

Бу ўринда характерли бир мисолни эслаб ўтиш ўринли бўлар, деб ўйлайман: А.Навоий номидаги Давлат академик Катта театри яқин кунлардаги гастротида «Сюрприз» ансамбли томонидан ташкил этилган «Оҳанглар қарвони» концертида сибирликларни ўз санътидан баҳраманд этди. Дастурда классик рус романслари, италянча қўшиқлар айтилди. Дастурнинг энг ҳаяжонли дақиқаси «Сияй, Ташкент — звезда Востока» қўшиғи янграганда содир бўлди. Таниқли ўзбек шоири Рамз Бобожон шеъри асосидаги (рус тилига Лев Ошанин тарж.) бу қўшиқ ўттиз йил мобайнида Давид Тўхманов мусиқаси билан куйланиб келаётган бўлса-да, новосибирслик мухлислар уни ўзлари учун қайтадан кашф этишди. Шаҳримиз мадҳиясига айланган қўшиқни бутун зал оёққа қалқиб, биргаликда куйлади. («ЎзАС» газетаси, 2008, 1 февраль).

Рамз Бобожон ўзи айтгандек «Ҳар қандай шеър, мабодо, бастакор дилига, хонанда тилига йўл топса, қўшиқ бўла олади». Жумладан, унинг лирик шеърларидан бири «Гилос» менга маълум бўлишича, 1940 йилда ёзилган бўлса ҳам, илк марта машҳур чолғучи Набижон Ҳасанов басталаган мусиқа билан хушовоз хонанда Карим Мўминов ижросида 1947 йил 14 ноябр никоҳ тўйи оқшомида Рамз Бобожоннинг севгилиси Сурайё хонимга айтган муҳаббат қўшиғи бўлиб янгради ва тез орада эл оғзига тушди, радио карнайларидан баралла эшитилди. Бахтга қарши кўп ўтмай олий мақомдаги мансабдорлардан бирининг ғайри қонуний, ўта сиёсий «хушёрлиги»

туфайли тўлқин отиб турган қўшиқ манъ этилди, концерт дастурларидан олиб ташланди. Аммо, тақдир тақозоси билан, миллий санъатимиз эришган мустақиллик туфайли эндиликда «Гилос» қўшиғини қайта тинглаганимда, бундан 50 — 60 йиллик оғир синоатлар фавқулодда ёдимга тушдики, қалбимга сиғдира олмадим.

Ҳа, шундай, сир эмас, Рамз Бобожон ҳамиша ҳаёт билан бирга қадам ташлади, халқнинг дарди билан бирга яшади ва нафас олди, унинг қувончини баҳам кўрди, қайғу-ташвишларига шерик бўлди. Дарҳақиқат, ўзи айтганидек: «Шоир ўз халқининг кўнглини тополса, минг кўзли чашмадай қайнаб кетади». Унинг поэмалари ҳам, шеър ва рубоийлари ҳам давр садолари сифатида, замонамизнинг долзарб, муҳим масалаларини ёритиши билан характерланади. Уларнинг қиммати ҳам халқнинг талабларига тўла жавоб беришида, эҳтиёжларига ҳамоҳанг бўлишида, улардан жўшқин ҳаётнинг қайноқ нафаси уфуриб туришидадир.

Рамз Бобожон шундай ҳикоя қилади: «Шеърятда шохлибосига сиғмас бир кулгули ҳодисанинг бадий умумлашмасини қаламга олгим келди». Бу 1959 йили Ҳамза (ҳозирги миллий) номидаги академик драма театрида ўйналган «Тоғажиянлар» эди.

«Тоғажиянлар» комедиясидаги муҳим фазилат асарнинг ҳақиқий кулги билан суғорилганлигидадир. Бу кулги қаҳрамонларнинг ташқи кўриниши, ҳатти-ҳаракатлари орқали келиб чиқмасдан, асар мазмуни, характерларнинг моҳияти заминиде пайдо бўлади ва кучаяди. Муаллиф кулгили ситуацияларни топа олган ва характерларнинг ёрқин қиёфасини бера олган. Комедиянинг энг муҳим томони шундаки, у нуқсонларни қоралаш билан бирга, уларга чек қўйиш ва уларни йўқотиш йўллари бадий воситалар орқали асослаб беради. Асарнинг оптимистик руҳи ва фазилати ҳам ана шунда! Лекин, у саҳна юзини кўргунча не кўргуликларни кўрмади, дейсиз... «Кунлар, ҳатто, ойлар ўтди, энди спектакль тахт бўлиб, санъат ишлари бошқармаси махсус комиссиясига кўрсатилганда, минг афсус, қабул қилинмади, кучлар иккига бўлиниб кетди, яъни театр ижодий жа-

моаси бир томон, Маданият вазирлигидан келган тўралар иккинчи томон... Шундай қилиб, асар қаршилиқ гирдобида қолди», деб ёзади «Менинг ижодим — менинг ҳаётим» китобида (2004 й.) муаллиф.

Хўш, муҳолифлар спектаклга қандай айбларни қўйишди? Уларни эшитиб, ёқангизни ушлайсиз. Нима денг: «Мавзу типик эмас, совет воқеилиги бузиб кўрсатилган. Бизда ўғрилик, талон-тарож, порахўрлик, таъмагирлик йўқ эмиш, гўё олам гулистон...». Спектакль устида жанжал, тортишувлар юз бергандан кейин, уни жамоатчилик муҳокамасига қўйиш лозим бўлиб қолади. Камина ҳам шу мунозараларнинг гувоҳи ва иштирокчиси бўлганман. Муҳокамада атоқли адибимиз Абдулла Қаҳҳорнинг қатнашгани ва айтган сўзлари, айниқса, характерли: «Мен Рамз Бобожонни шоир сифатида билардим, у драматург ҳам экан. «Тоға-жиянлар» унинг биринчи асари бўлса ҳам, порахўр, ўғри, муттаҳамларининг юзига тупурибди. Кези келганда, ҳаммамиз тупурганмиз, шу жумладан мен ҳам! Лекин, Рамзнинг тупуги каттароқ тушиб қолибди, бунга чидолмаётганлар бўлса, ўзидан кўрсин!» деган эди. Абдулла Қаҳҳорнинг донишмандлик билан, ўзига ҳос ишонч ва дадиллик билан айтган сўзлари бошқаларни ҳам илҳомлантирди, шекилли, гапирувчилар кетма-кет минбарга чиқа бошладилар. Комил Яшин ўзининг қийин жанрдаги жуда катта тажрибасидан келиб чиқиб, асарнинг бугунги кундаги аҳамияти, конфликтнинг теранлиги, характерларнинг пухталиги хусусида тўхталиб, асарнинг моҳиятини очиб берди. Иззат Султон назарий жиҳатдан асослаб, спектакль фойдали асар эканлигини айтди. Туроб Тўла, Наби Раҳимов, Шариф Қаюмов эса кўпроқ артистларнинг ижроси ҳақида гап юритдилар. Тўғри, муҳокамада баъзи нуқсонлар, яъни айрим персонажларнинг меъёрига ҳали етмаганлиги, сюжетдаги заиф томонлар четлаб ўтилмади. Лекин, спектакль маъқулланиб, томошобинларга кўрсатиш лозимлиги таъкидланди ва тезда сахна юзини кўрди. Кези келганда, камина шоҳид бўлган яна бир ҳодисани айтиб ўтай: «Тоға-жиянлар» ни бир неча бор кўришга тўғри келди. Ҳар сафар ҳам зал томошабинга тўла

бўларди, томошабинлар завқ-шавқ билан кўриб, ҳурсанд бўлиб залдан чиқиб кетишарди. Ёмон томони шундаки, партия органлари бўлмиш газеталар спектаклга тақриз беришдан бош тортдилар, аниқроғи қўрқдилар. Мен амалтақал қилиб, «Правда Востока» газетасининг маданият бўлими мудири билан ҳамфикр бўлганлигим туфайли ўз тақризимни чоп эттиришга эришганман. Шунингдек, «Тоғажиянлар»нинг ғоявий-бадий савияси юқори бўлганлиги туфайли тожик, қирғиз, қорақалпоқ театрларининг саҳнасидан шарафли ўрин эгаллагани ҳам маълум. Бундан ташқари асар рус ва бошқа тилларга таржима қилинган. «Тоғажиянлар» замон элагидан ўтиб, машҳур бўлиб кетди. Мустақиллик даврига ҳам омон-эсон етиб келган комедия 40 йилдан сўнг, Аброр Ҳидоятлов номидаги театр саҳнасига оҳори тўкилмаган ҳолда кириб келди. Спектакл муҳокама-сида мен ҳам иштирок этиб, олдинги постановкасидан фарқларини, янги спектаклнинг ўзига ҳос жиҳатларини таҳлил қилиб бердим. Икки даврдаги икки театр қўйган «Тоғажиянлар»нинг фарқи асосан шундаки, янгидан қўйилган асарда салбий руҳ, яъни нуқсонларни кўрсатиш, кучайтирилиб, бўрттириб берилган.

Энг муҳими спектаклда намоёиш қилинган ҳодисалар, қусурлар ҳозирги кунларда қурилиш соҳасида юз бераётган камчиликлар билан ҳамоҳанг бўлиб, жуда мос тушади. Шунинг учун ҳам «Тоғажиянлар»ни қайтадан саҳналаштиришга эҳтиёж туғилган.

Р.Бобожоннинг 2-саҳна асари «Зухранинг мактублари» («Лўлини алдаш қийин»)нинг яратилиши ҳам ўзига хос тарихга эга.

«Тоғажиянлар» узоқ вақт академик театримиз саҳнасини безаган бўлса, санъаткорнинг кейинги асари ўзбек театрларидан ўтиб, Москвадаги «Ромэн» лўлилар театри репертуаридан мустаҳкам ўрин олди. «Зухранинг мактублари» ўзбек драматургиясини Бутуниттифоқ миқёсига олиб чиққан пухта асарлардан бири. Бу пьесада инсон учун, унинг тақдири ва келажаги, онгидаги сарқитларга қарши кураш, илғор урф-одатларни ҳаётга олиб кириш каби масалаларнинг ифода

этилиши, уларнинг янгича ҳал қилиниши томошобинларда катта қизиқиш уйғотди. Муаллиф бу ғояни очиш учун Ўзбекистондаги лўлилар ҳаётини ўрганади. Асарда уларнинг аста-секин кўчманчиликдан, дарбадар кезишлардан ўтроқ турмушга, ижтимоий меҳнатга ўтиш жараёни кўрсатилади. Инсон учун ва юксак онги учун курашда Дарья, Ёвқоч каби лўлиларнинг характери очиб берилади, уларнинг ҳаётдаги фаолияти яққол намоён бўлади.

